

4-12-2019

Some phonetic features of Sharof Boshbekov's dramas

G Ikromova

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Ikromova, G (2019) "Some phonetic features of Sharof Boshbekov's dramas," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 27.

DOI: 93/99+177.3

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss1/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Scientific journal of the Fergana State University* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК:93/99+177.3

**ШАРОФ БОШБЕКОВ ДРАМАЛАРИНИНГ АЙРИМ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
НЕКОТОРЫЕ ФОНЕТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ДРАМАТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ
ШАРОФА БОШБЕКОВА
EXPRESSION OF LEXEMES WITHIN SEMES OF SPACE IN UZBEK AND KYRGYZ
LANGUAGE LEXICS**

Г.Икромова

Аннотация

Мақолада Шароф Бошбеков драмаларидаги персонажлар нутқининг айрим фонетик жиҳатлари ҳақида сўз юритилади ва фонетик бирликларнинг стилистик хусусиятларига тўхталиб ўтилади.

Аннотация

Статья посвящена некоторым фонетическим особенностям речи персонажей драматических произведений Шарофа Бошбекова. Автор акцентирует внимание также на отличительных чертах стилистики фонетических единиц.

Annotation

In this article is said about some phonetic features of Sharof Boshbekov's dramas of characters speech and stylistic features of phonetic units are gone into detail.

Таянч сўз ва иборалар: коннотация, ўзлашма сўзлар, эмоционал экспрессивлик, ассонанс, фонографик-стилистик воситалар, аллитерация, драма тили, геминация.

Ключевые слова и выражения: коннотация, заимствованные слова, эмоциональная экспрессивность, ассонанс, фонографическо-стилистические средства, аллитерация, язык драмы, геминация.

Key words and expressions: connotation, international words, emotional-expressiveness, assonance, phonographic-stylistic resources, alliteration, language of drama, gemination.

Маълумки, бадий матнни таҳлил қилиш жараёнида фонетик бирликларнинг эстетик хусусиятларига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Шеърини матнда нутқ товушларининг эстетик имкониятлари тез ва қулай идрок этилади. Чунки бадий асарда ўзига хос жозибador оҳанг бўлади. Бу оҳангдорликка товушларни услубий қўлланиш натижасида эришилади. Асосан, шеърини аллитерация (ундошлар такрори), ассонанс (унлилар такрори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби фонетик усуллардан фойдаланилади. Насрда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни такрорлаш, сўзларни нотўғри талаффуз қилиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усуллар ёрдамида экспрессивлик таъминланади. Товушларни услубий қўлланиш билан боғлиқ қонуниятларни ёзувда “айнан” ифодалаш имконияти чекланган [1,2,3]. Аммо, талаффузда ҳамда бадий асарларда баён мувофиқлигига қараб фонографик воситалар ёрдамида эришиш мумкин.

Ёзувчининг бадий асарига, яъни асари қаҳрамонлари нутқига руҳий ҳолатни бериш, ёзувда ифодалашда бир қанча

мураккабликлар келиб чиқиши мумкин. Асар қаҳрамонлари руҳиятидаги ички ҳаяжон, хурсанд бўлиш, завқланиш, хафа бўлиш, розилик, таажжуб, ялиниш, ҳайратланиш, киноя, пичинг, кесатик, олқиш, сўроқ, таъкид, қониқмаслик, норизолик, тилак-истак, қўллаб-қувватлаш каби ҳолатларни айнан беришда ёзувчилар унли ёки ундошларни бирдан ортиқ ёзиш усулидан, яъни фонографик воситалардан фойдаланадилар.

Унли ҳарфларни бирдан ортиқ ёзиш орқали. Бунда унли ҳарф чўзиб талаффуз қилиниши тушунилади. Қаҳрамоннинг воқеликка бўлган муносабати унлини чўзиш орқали ойдинлашади. Унли ҳарфларни орттириш асар бадий қаҳрамонининг руҳиятини, ҳолатини тез ва тушунарли тарзда аниқлаб олишга кўмаклашади. Унли товушни қайси вақтда ва қайси ҳолатда орттириш ёзувчидан катта маҳоратни талаб қилади. Баъзида мана шундай ҳолатлар асарнинг кулминацион нуқтаси, тугуннинг ечими, асарнинг асосий ғоясига асос бўлади. Бундай ҳолат ёзувчи драмаларида жуда кўп учрайди.

Ёзувчи драмада унли товушларни

Г.Икромова – ФарДУ магистранти.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

чўзиш орқали персонаж нутқида қатор коннотатив маъноларни ҳосил қилади. Маълумки, унлилар соф овоздан иборат бўлади. Шунинг учун уларда оҳангдорлик кучли бўлиб, уларни истаганча чўзиб талаффуз қилиш имконини беради. Бу эса асар қаҳрамони руҳиятидаги қатор ўзига хос хусусиятлар, ички кечинмалар, ҳис-ҳаяжон кабиларни очиб беришга йўл очади.

Шароф Бошбеков драмаларида ҳам персонажлар нутқида унли товушларни чўзиб талаффуз қилиш орқали қаҳрамон руҳиятидаги қатор коннотатив маънолар ҳосил қилинган.

1. Ҳаракатнинг давомийлиги, самимийлиги, ўзаро яқинлик каби маънолар ифодаланади.

М: Пирмат. Раҳматилла билан би-и-ур таништириб қўяй деб олиб келгандим [2,38].

Юқоридаги мисолга эътибор қиладиган бўлсак, ёзувчи “и” унлисини чўзиб талаффуз қилиш орқали персонаж нутқидаги самимийлик, ўзаро яқинлик каби маъноларни юзага чиқарганини кўрамиз. Қиёсланг:

Пирмат. Раҳматилла билан бир таништириб қўяй деб олиб келгандим // Пирмат. Раҳматилла билан би-и-ур таништириб қўяй деб олиб келгандим.

Кўринадики, иккинчи гапдаги самимийлик, ўзаро яқинлик каби маъно нозикликлари биринчи гапда кузатилмайди.

1. Хитоб-таъкид маънолари ифодаланади.

М: Олим. Йў-ў-ўқ,, бу круглий дата, бунга гастрономга тушиб чиқиш билан нишонлаб бўлмайди [2,132].

Юқоридаги мисолда “ў” унлисини чўзиш орқали хитоб-таъкид маънолари ифодаланади.

2. Таъкидлаш, пичинг, кесатиш маънолари ифодаланади.

М: Қўчқор. Ҳо-о, қарорни ҳам биларканми? [2,165]

Юқоридаги мисолда “о” унлисини чўзиш орқали муаллиф Қўчқор нутқидаги кесатиқ, пичинг, калака, менсимаслик каби маъноларни юзага чиқарган.

3. Хурсандчилик, кайфиятнинг яхшилиги, шодланиш каби маънолар ифодаланади.

М: Нозик. Ву-у-уй, манави гулларни... Қараб кўз қувонади [2,220].

Кўриб ўтилган мисолда персонаж нутқида хос бўлган шодланиш, хурсандчилик каби экспрессив маънолар “у” унлисини чўзиш орқали юзага чиқарилган.

4. Хайратланиш, таажуб, эсанкираш маънолари ифодаланади.

М: Қўчқор (хайратдан ўғзи очилиб). О-о-олимптой, буям ҳалиги магнитафондай гап экан-да? [2,173]

1. Воқеликка норозилик маъноси ифодаланади.

М: Пирмат. Мен бир нима дедимми? Индама-а-ай

ўтирибман-ку! [2,137]

2. Буйруқ, хитоб, пўписа маънолари ифодаланади.

М: Салтанат. Меҳмон бўлса меҳмонга ўхшаб жу-и-им ўтирсин, менга нақа кўзини лўқ қилмасдан [2,189].

3. Таклиф, андиша, истиҳола маънолари ифодаланади.

М: Шу-у-у, Аломатхон рўзгорга сал мундай... нима дейди...

Қарашиб ту-у-урса девдим-да, укам. [2,177]

4. Маънони кучайтириш маъносини ифодалайди.

М: Теша. Агар ўша оқ отлар ке-е-енг даладай элиб юрса, биласанми, андай гўзал бўларди? [2,211]

5. Ҳаракатнинг давомийлиги маъноси ифодаланади.

М: Олим. Кейин каллани бир жойга қўйи-и-иб ўйлайсан [2,132].

Юқоридаги мисолларга эътибор қиладиган бўлсак, уларда келтириб ўтилган сўзларнинг бундай талаффуз қилиниши орқали англашилган қўшимча маъно нозикликлари китобхонга кучли таъсир кўрсатади. Бу эса асарнинг таъсирчанлигини янада оширади. Мисоллардаги ажратиб кўрсатилган сўзларда барча унлилар чўзиб талаффуз қилинган. Бу чўзиқлик талаффузда оҳанг, ёзувда эса унлиларни такрорлаш билан бирга улар орасига чизиқча (дефис) қўйиш орқали берилади. Матнда унли товушлар чўзиб талаффуз қилинган сўзларда қаҳрамоннинг ички кечинмаси, руҳий тушкунлиги, изтироби, ачиниши ўз ифодасини топган. Бу эса бадий асарнинг экспрессивлигини янада оширган.

Оғзаки нутқда турли сабабларга кўра айрим сўзлар, асосан ўзлашма сўзларни

бузиб талаффуз қилиш ҳолати мавжуд. Бундай хато сўзловчининг ўзлашган сўз имлосини тўғри тасаввур қилмаслиги, бошқа миллатга мансублиги, паронимларни фарқламаслик натижасида юзага келади, [3] деб изоҳлаш мумкин.

Бадиий асарларда, шу жумладан, драмаларда бу усулдан қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш ҳамда ифодани жонли нутққа яқинлаштириш мақсадида фойдаланилади. Шароф Бошбеков ҳам ўз драмаларида қаҳрамон характеридаги ўзига хос хусусиятларни очиб беришда юқоридаги усулдан маҳорат билан фойдаланган. Унинг “Темир хотин” драмасида ўзлашган сўзлар персонаж нутқида икки хил шаклда қўлланилган.

М: Қумри. **“Рас”, “дува”, “взали”** дейишди.

Қўчқор. **Нима-ли?**

Қумри. **“Взали”.**

Қўчқор. **“Взяли”, ўқимаган!** [2, 166]

Қўчқор (оғриниб). **Ўқиган, олим одамсан, кўтарда паст бўлса! “при-грес-мригрес” қилсан бу эрга кириб олиб!** [2, 168]

Юқоридаги **“взали”, “при-грес-мригрес”** сўзлари асли **“взяли”, “прогресс”** ўзлашма сўзларининг персонаж нутқида нотўғри талаффуз қилинган шакли бўлиб, айнан ўша қаҳрамонни индивидуал таништириш, унинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш мақсадида қўлланилган.

Биринчи мисолда Қўчқорнинг хотини–Қумрининг “раз”, “два”, “взяли” сўзларини тўғри талаффуз қила олмаслиги устидан кулган бўлса, иккинчи мисолда эса унинг ўзи Олимжон тилидан айтилган “прогресс” сўзини тўғри талаффуз қила олмайди. Бу эса Қўчқорнинг ҳам, Қумрининг ҳам оддий қишлоқ кишилари, чапани, оми одам эканликларини кўрсатади.

Шароф Бошбеков қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш мақсадида ўзлашган сўзларни куйидаги усулда ҳам қўлланган.

М: Олимжон. **Ҳа, принцип деярли бир хил.**

Қўчқор. **Нима-сип?**

Олимжон. **Принцип** [2, 169].

Аломат. **Ташқи олам билан фақат манусоник методда алоқа қиламан.**

Қўчқор. **Нима-сўник?**

Аломат. **Манусоник** [2, 170].

Юқоридаги мисолларга эътибор қиладиган бўлсак, муаллиф **“принцип”, “манусоник”** сўзларини Қўчқор нутқида **“нима?”** сўроқ олмоши билан биргаликда қўлланиш орқали, асосан, эмоционал-экспрессив мақсад кўзлаган, яъни улар орқали фақат Қўчқор характеридагина хос жиҳатларни очиб берган. Улар орқали китобхон Қўчқорнинг илми ҳаминқадар бўлган, оддий, содда қишлоқ тракторчиси эканлигини фавқулодда тез англаб олади.

Персонаж нутқида нотўғри талаффуз қилинган сўзлар худди шевага хос сўзлар, арго ва жаргонлар, варваризм ва вульгаризмлар каби бадиий асар колоритини аниқроқ тасвирлашга ҳамда қаҳрамон нутқини иложи борича халққа яқин бўлган, халқ тушунадиган тилда ифодалашга хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Шароф Бошбеков драмаларида қўлланилган фонографик-стилистик воситалар бадиий тасвирда муҳим аҳамият касб этади. Улар нарса, ҳодиса ва воқеалар ҳақида тушунча ифодалаш билан бирга сўзловчининг турли эмоционал-экспрессив ҳолатини, унинг воқеа-ҳодисаларга турли хил муносабатини янада аниқроқ, равшанроқ ва ўзгача оттенка орқали ифодалашга хизмат қилади. Фонографик-стилистик воситалардан ўринли фойдаланиш эса бадиий таъсирчанликни оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. –Т., 2007.
2. Boshbekov SH. Eshik qoqqan kim bo'ldi? –Т., 1989.
3. Abdullaev A. O'zbek tilida ekspressiyalikning ifodalanishi. –Т., 1998.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)